

Тўлов-контракт тўлаш муддати узайтирилди

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига Ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 2018 йил 5 октябрдаги 11-сонли баёни билан Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018/2019 Ўқув йилида олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида бакалаврият ва магистратурада таҳсил олаётган иккинчи ва ундан юқори курс талабалари учун тўлов-контракт миқдорининг биринчи ярмини тўлаш муддатини жорий йилнинг 15 ноябрга қадар узайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилди.

Шунингдек, мазкур баён билан Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарининг кўп сонли мурожаатларини инобатга олиб республика олий таълим муассасаларининг бакалаврияти ва магистратурасига 2018/2019 Ўқув йилида тўлов-контракт асосида талабалikka тавсия этилган абитуриентлар учун базавий контракт миқдорининг биринчи ярмини тўлаш муддати 2018 йилнинг 31 октябрга қадар (шу куни ҳам) узайтирилди.